

## БАДИЙ ТАЪЛИМНИ ЎРГАТИШДА ҚОБИЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Қосимов Хайрулла Собирович**

Камолиддин Бехзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн

институтини доценти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада бадий таълим соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек ижодий кўникмалар, мохир рангасвир усталарини тайёрлашда мутахассислик фанларини ўзлаштириш даражаси, фикрларимизда айтиб ўтилганидек бадий таълимни инновацион ривожлантиришда мутахассисларни амалий машғулотларни педагогик янгиликлар билан ижод қилиш жараёнлари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Бадий, инновацион, таълим, чизматасвир, рангасвир, профессионал, фан, техника, палитра, мойбўёқ, акварель, гуашь.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается процесс подготовки специалистов в области художественного образования, а также творческих способностей, овладения профильными предметами при подготовке квалифицированных живописцев, процессы создания практических занятий специалистов с педагогическими инновациями в инновационном развитии искусства. образования, как уже упоминалось, на наш взгляд.

**Ключевые слова:** Художественный, инновационный, учебный, рисунок, живопись, профессиональный, наука, техника, палитра, акварель, акварель, гуашь.

### ABSTRACT

The article discusses the process of training specialists in the field of art education, as well as creative skills, the level of mastery of specialized subjects in the training of skilled painters, the processes of creating practical training of specialists with pedagogical innovations in the innovative development of art education, as mentioned in our opinion.

**Keywords:** Artistic, innovative, educational, drawing, painting, professional, science, technique, palette, watercolor, watercolor, gouache.

Бадий таълим соҳасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги касбий хусусиятларни ривожлантиришда, шунингдек ижодий кўникмаларни ўзида номоён қилишда ва ўз йўлини топишда ҳамда моҳир рангтасвир устаси бўлиб етишишда чизматасвир фани асосий фан ҳисобланади. Чизматасвир фанини ўрганишдан мақсад бугунги кундаги тасвирий санъат талабларига мувофиқ бўлғувси мутахассис янги поғоналарни эгаллашдан иборатдир. Юқорида айтиб ўтилганидек бадий таълимни инновацион ривожлантиришда мутахассисларни амалий машғулотларни педагогик янгиликлар билан ижод қилишни жорий этиш эҳтиёжи оширилмоқда.

Бугунги кунда таълимни ривожлантиришда амалга оширилаётган ислохотлар инновацион жараёнларнинг фаоллашувига кенг имкониятлар яратмоқда. Таълимнинг инновацион ривожланишида фақат назарий педагогик эмас, балки узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларига тааллуқли таълимий тарбиявий муассасаларда меҳнат қилаётган амалиётчилар, раҳбар ходимлар ва педагогикларни педагогик янгиликлар билан ижод қилиш ва уларни амалиётга жорий қилиш эҳтиёжи оширилмоқда. Бунда педагогик ижодиёт билан шуғулланиш ва ўзлари янгиликларни яратиш амалиётчи педагоглар фаолиятининг муҳим белгиларидан бирига айланмоқда. Демакки, одатда педагоглар янги педагогик технологияларни татбиқ этишга интилишларини кўрсатади. Бадий таълимда ҳам инновацион жараёнлар фақат “замонавий” эмас, балки “анъанавий” педагогик усуллар ва воситаларни ҳам “педагогик янгилик” сифатида кенг қўлланиши керак. Бадий таълимда ҳам умуминсоний кадрларни, жаҳон халқларининг илғор тажрибасини ўзлаштириш вазифаси ҳам ҳеч қачон талаба-ёшларни миллий ўзлигини таркиб топтириш вазифаларига зид бўлмайди. Демак, бадий таълимда ҳам инновацион жараёнлар миллий таълим-тарбия вазифаларини амалга ошириш билан ҳамохангдир.

Бадий таълимда чизматасвирни ўқитиш жараёнида кўриш, идрок этиш ва англаш асосий мезондир. Чунки тасвирий санъат асарини яратишда чизматасвир бизга ёрдамчи. Чизматасвир мусаввир учун шакилни ўрганувчи восита ҳамда буюмни қиёфасини очиб беришда сўзлашувчи сифатида фойдаланиш мумкин ва борлиқни идрок этиш, томошабин билан мулоқоти жараёнида унга ўз тасирини ўтказади. Кўриш аъзоларимиз ташқи дунёни қабул қилиш жараёнида бизнинг онгимизга предметларни турли сифатини ҳис қилиш имконини беради. Жумладан ранг, шакил, фазовий кенглик, ҳаракат ва ҳаракатсизликдир. Инсонлар олами ҳар хил кўрадилар, бунга уларнинг дунё қараши, тарбияси, маданий даражаси каби ҳолатлар сабаб бўлади. Чунки мусаввирнинг кўриш қобилияти ўткир ва индивидуалдир. Мусаввир кўраётган барча нарсалар ҳар доим

ҳам тасвирлаш учун муносиб бўлавермайди. Рассомни бирор бир жисм ёки ҳолат қизиқтириб қўйса албатта таҳлил қилади ва асар яратишга киришади.

Рангтасвирнинг жозибали чиқишида қаламтасвирнинг ўрни беқиёсдир. Моҳир ижодкор рассом қаламдан фойдаланмасдан ишни бўёқлар билан тасвирлаши ҳам мумкин. Ижодкор изланиш жараёнида рангтасвирни қаламтасвир билан бевосита боғлиқлигини яхши билади. Яъни, тасвирланаётган буюмларнинг фазовий жойлашуви, нисбатларнинг аниқлиги, ранглар уйғунлиги, нур ва соя ўйини, асрнинг бир бутунликда яқунланиши кўп жиҳатдан ижодкорга боғлиқ. Ижодкор рассом қаламтасвир фанини пухта ўзлаштириб олгандагина, рангтасвирда кўзланган мақсадга эриша олади. Бадиий таълим йўналишларини ўзлаштиришда дастлабки қаламтасвирни мукамал ўзлаштириш зарур. "Қаламтасвир доимо бизга йўл кўрсатиб турувчи кутб ва компас бўлиб, турли бўёқлар океанида чўкаётганларга нажот бериш омилидир, - дея таъкидлаган XVII асрда яшаб ижод қилган француз рассоми Шарль Лебрэн. Бундан ташқари машҳур К.П.Брюллов, И.И.Шишкин, В.Е.Маковский, В.Д.Поленов, И.Е.Репин, М.А.Врубель, В.А.Серов, К.А.Коровин, А.Абдуллаев, Ў.Тансиқбоев, З.Иноғомов, М.Набиев, Р.Аҳмедов, Б.Жалолов, А.Мирзаев, А.Икромжонов ва И.Хайдаров кабилар қаламтасвир усталаридир.

Ижодкор рассом асарларида инсониятнинг ҳамиша гўзалликка интилиб яшаши, гўзалик, ҳаётдаги барча нарсаларни гўзаллик тимсолида тасвирлайди. Борлиқдаги барча нарсалар узвийликда ривожланади ва бунда тасвирий санъат ва қаламтасвир фанининг аҳамияти каттадир. Етук, моҳир рассомларнинг яратган асарлари шуниси билан диққатга сазоворки, композицион ечими, мавзунинг долзарблиги, иссиқ ва совуқ рангларнинг ўзаро ҳамоҳанг уйғунлиги билан ажралиб туради. Рангтасвир асарларида нозик пластик шаклнинг мавжудлиги, нисбатларнинг мутаносиблиги, ҳажм, фазовий сифатлар ҳам муҳим ўрин тутди. Рассом натурадаги ана шу жиҳатларни тўлақонли акс эттира олсагина тассавуридаги мақсадига эриша олади яратилаётган асар дунёга келади. Агарда бу жиҳатлар мавжуд бўлмаса, асар ўта эҳтиётсизлик, пала-партишлик билан ишланган сифатсиз ишга айланиб қолади.

Мусаввирнинг ижодий услубида айнан атроф муҳитни кузата билиш қобилияти билан бирга кўриш қобилиятини доимий машқлар орқали мукамаллатириб боради. Кузатувчанлик билан борлиқни ранглар орқали тасвирлашда рассом қобилиятини янги таассавурларини бадиий қарашларига бағишлайди. Рассомнинг бутун ижоди давомида кузатиш ва таассуротлари билан ижод қилади.

Танқидий кузатишни билиш, жумладан натура ҳақида тасаввурга эга бўлиш, кейин умумий ҳулосага келиш, буларнинг барчаси умумий қарашни яъни яхлит

кўришни мустаҳкамлайди. Шу сабабли ижодкорлар орасида яхлит кўриш профессионал кўриш деб ҳам юритилади. Жисимни ёки ҳолатни кўриш ва ўзига хослигини ажратиб олиш алоҳида бўлакларни узвийлигини ажрата билиш яхлит кўришнинг асосий меъёрларидан биридир. Рассом оддий инсонлар эътиборсизлик билдирадиган ҳолатларга, ўзгача кўриб ўз хотирасида муҳим характерли ҳолатларнигина сақлаб ижодий жараёнида қўллай билади. Шу сабабли ижодкорлар орасида қараш мумкин кўриш мушкул деган муҳим ибора бор. Нигоҳли хотира доимий эслаб қолиш машиқлари жарёнида ривожланади. Бу қобилият мусаввирларда кузатувчанлик натижасида вжудга келади. Кўплаб йиғилган таассуротлар хотира егиндисини бойитади ва кейинчалик иш жарёнида зарур бўлган манбаларни хотира заҳирасидан олиб қўллайди. Кўплаб буюк рассомлар бетакрор кўриб эслаш қобилиятига таяниб ижод этишган. Кўриш хотираси мусаввирда атрофимизни ўраб тургувчи оламнинг базилари турғунлик ҳолатида, базилари тез ҳаракатда масалан табиат ҳолатлари, жисимларнинг турли тезлиги эса оддий инсон бу гўзалликдан фақатгина таъсирланса, мусаввир ҳоҳ қисқа муддатда ҳоҳ узоқ муддатда яхлит ўзига хос ҳолатни ёки шакилни ўрганиб кўриш хотирасига муҳирлаб қўя олади. Кейинчалик у ўз асарларида теккис юзада жонли қилиб тасвирлашда ўша кўриш хотираси айнан кўмакчидир. Демак хулоса қилиб айтганда мусаввир бўлмоқчи бўлган инсон олдида тўртта муҳим масала қўйилади. Бирон бир тасвир чизиш жараёнида тасвир воситалари унсурларини ўзаро мутоносиб бўлишига, яъни композиция, чизматасвирда ҳаракат ва сокинлик, нур ва соя нисбатлар ўлчами тўғри акс этишига эътибор бериш лозим бўлади.

Тасвир мавзуни ва тимсолининг ҳис этиш, турли жисимлар шакли, инсонлар феъл атворини ўрганишда таржимон вазифасини ўташи ҳам мумкин. Чизматасвирнинг бутун тизими, ўқув вазифалари талабаларнинг бадий тимсоли, дунё қараши ва тафаккурини ривожлантиришга, унинг мустақил ижодкор бўлиб этишишига кўмаклашуви зарур. Чизматасвир бевосита пластик анатомия, перспектива, ашёлар технологияси фанлари билан узвий боғлиқдир. Мазкур фанни ўзлаштиришда кўриш қобилияти кузатувчанлик, яхлит кўриш ҳамда кўриш хотираси жуда муҳимдир. Жумладан, кўпчилик инсонларда ҳаловатнинг йўқлиги, қалбдаги туйғуларнинг ҳам тинч ва сокин эмаслиги уларнинг фаолияти, қизиқиш доираларида ўз аксини топмоқда. Масалан, санъат асарларини томоша қилишаётганларида ортиқча ҳиссиётларга берилмайдилар, улардан етарли даражада эстетик завқ ола билмайдилар, яъни бундай пайтда баъзан уларни бефарқлик қамраб олади. Бошқача айтганда, одамларда атрофмуҳитдаги ўзгаришлардан таъсирланиш кучи эстетик мазмундаги ҳиссиётлар ўрнини эгаллаб боради. Бугун томошабиннинг истаган

воқеаходисани, жумладан, санъат асарларини ўз хоҳоши ёки хоҳишидан ташқари кўриш имкониятлари мавжуд: булар - ривожланган телевидение, интернет тармоқлари ва турли визуал ахборот олиш манбалари ва ҳоказо. Албатта, бу жараёнлар санъат олами вакилларини ҳам чеклаб ўтмайди.

Сўнгги йилларда кўпгина рассомларнинг асарларида турли ранг ва чизиқларнинг фавкулотда намоён бўлиши, шунингдек, турли композицион ечимлар қўллашга интилиш кучайиб, ижодкорнинг шу каби унсурлар орқали реал ҳаётга мос бўлмаган тасвирилар яратишга иштиёқи баланд эканлигини кўриш мумкин. Бундай асарларда ижодкорнинг қандайдир фалсафий фикрларни айтишга интилиши яққол сезилиб, уларда ноанъанавий талқинлар орқали томошабинга таъсир ўтказиш тенденцияси сақланиб қолади. Бу жараёнларни биз тасвирий санъатда юзага келган турли оқим ва йўналишлар ва уларнинг номланиши билан изоҳлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Мамлакатимиз президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "...бизнинг энг катта бойлигимиз - бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳияти. Бу салоҳиятни яратиш ва кўпайтиришда ҳурматли зиёлиларимиз - илм - фан ва техника намояндалари, биринчи навбатда, қадрли ва ҳурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганларини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Ана шу заҳматкаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб -қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишни биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор",- деб айтганлари бежиз эмас. Бадий таълимдаги инновацион жараёнларда анъанавий педагогик маданиятимиз бойликлари янги маъно касб этади, Янги Ўзбекистоннинг раванқ топишидаги улуғвор вазифаларни амалга оширишга келажак авлодни тайёрлаш мақсадларига хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2016.-13 б.
2. Р.Жуманиёзов. Нутқий маҳорат. -Т.: Адолат, 2005.
3. Н.Азизхўжаева. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: 2006
4. А.Суаймонов, Б. Жабборов. Тасвирий санъатда оқим ва йўналишлар. - Тошкент: 2008.
5. Н.Абдуллаев. Санъат тарихи. - Тошкент: 1986 йил.
6. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1997.